



Савол:

Маҳси ёки пайпоқнинг остига масҳ тортиш ҳукми қандай?

Жавоб:

Маҳсининг остига масҳ тортиш суннатдан эмас. «Сунан»да Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинганки: «Агар дин раъй (фикр) билан бўлса эди, маҳсининг таги устидан кўра масҳ тортишга лойикроқ бўлар эди. Мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни маҳсиларининг устига масҳ тортганларини кўрганман», деганлар (Саҳих, Ирваул-ғолийл: №103). Бу эса масҳни фақат маҳсининг устига тортиш маршруъ эканига далилдир.

(Ибн Усаймийн: Мажмуъу фатава: 11/177)